



КОМПЬЮТЕР ФИРИБГАРЛИГИ ТУШУНЧАСИГА ДОИР ИЛМИЙ ЁНДОШУВЛАР

Утаев Хусниддин Хуррамович

Сурхондарё вилояти, Узун туман
прокурорининг катта ёрдамчиси,
2-даражали юрист

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10440623>

ARTICLE INFO

Received: 20th December 2023

Accepted: 28th December 2023

Online: 29th December 2023

KEY WORDS

Ахборот, жавобгарлик, жазо, жиноят, компьютер, соҳаса, содир этилган, фирибгарлик, мулк, талон-торож.

ABSTRACT

Мазкур мақолада компьютер фирибгарлиги тушунчасига доир илмий ёндошувлар борасидаги масалалар таҳлил этилган. Бундан ташқари, мақолада компьютер воситасидан фойдаланиб фирибгарлик содир этишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам ёритиб берилган бўлиб, бу борадаги олимларнинг фикрлари ўрганилган.

Мамлакатимизда сўнги йилларда жиноят ҳуқуқида шахс ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқларини олий қадрият сифатида эътироф этишга асосланган кенг кўламли ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Бу, авваламбор, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилишга қаратилган фаолияти негизда фуқароларнинг иззат-нафси, кадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи, шахсий эркинлиги ва мол-мулкини ҳимоя қилиш каби масалаларни ҳал этиш билан изоҳланади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси юртимизда барқарор тинчлик ва осойишталикка эришган ҳолда инсон ва унинг кадр-қимматини олий даражага кўтариш, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечирishi учун зарур шароитлар яратиш, қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда¹.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонидан келиб чиқиб, “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг 16-мақсади жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш²дан иборат бўлиб. бу ҳам ўз навбатида фирибгарликка қарши курашиш масалаларига бағишлангандир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”//Халқ сўзи. – 2017. – 8 февраль. – №28 (6722).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/>



Мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишнинг анча кўп тарқалганлиги ва унинг жамиятга кўп миқдорда зарар етказиши, унинг олдини олиш заруриятини келтириб чиқаради. Ҳозирги кунда фирибгарликнинг умумий динамикаси, унинг кўринишлари кўпайиб бораётганлиги ҳам мавзунинг долзарблигидан далолат беради. Ундан ташқари, ҳаёт кечириш учун зарур маблағларни одамларни алдаш йўли билан топаётган шахс фақат жиноятчи сифатида хавfli бўлмай, унинг қилмиши туфайли давлатга, одамларга моддий зарар етказиши билан бир қаторда, фирибгарлик оқибатлари аҳолига, айниқса ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

Дарҳақиқат, фирибгарлик жиноятнинг ижтимоий хавfliлиги мулкни турли шаклларда тажовуз қилиш билан белгиланади. Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятлари орасида фирибгарлик жинояти анча мураккабдир. Шуни ҳам айтиш керакки, бу жиноятни содир этишда кўп ҳолларда жабрланувчиларнинг ўзлари ҳам фаол рол ўйнайдилар. Улар фирибгарликнинг жинoий-ҳуқуқий оқибатларидан кўрқиб жиноятни фош этиш учун ҳаракат қилмайдилар. Жиноят тўғрисида тегишли жойларга хабар қилмайдилар.

Бунга сабаб, фирибгарлик жиноятларини фош этиш ҳамда тергов қилишда ички ишлар органлари ходимлари қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг мавжуд куч ва воситаларидан етарлича фойдалана олмаётганлигидадир. Натижада жиноятчилар жазо ва жавобгарликдан кўрқмасдан бундай жиноятларни янада кўпроқ содир этишиб, жисмоний ва юридик шахсларга жуда катта зарар етказмоқда.

Ўзгалар мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг кенгайиб бориши қонунчилигимизда кўплаб бўшлиқларнинг мавжуд эканлигини кўрсатади. Бундай бўшлиқларни тўлдириш учун бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган ижтимоий ҳаётда барча талабларга жавоб бера оладиган қонунлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Бугунги кун амалиёт тажрибасидан кўришимиз мумкинки, ўзгалар мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш жиноятларининг янги тармоқлари пайдо бўлмоқдаки, ҳали миллий қонунчилигимиз бундай ижтимоий муносабатларни тўлиқ қамраб олиш имконияти камайиб, ўшбу жиноятчиликнинг ўсиш сурати йилдан йилга ошиб бормоқда. Масалан, Америкада тарқалган ва бугунги кунда бутун дунёни қамраб олаётган “беткоин” номи билан машҳур бўлган “тадбиркорлик” ҳам фирибгарликнинг қайсидир бир кўриниши десак адашмаган бўламыз.

Дарҳақиқат, ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш тушунчаси хорижий давлатлар ва халқаро амалиётда “компьютер фирибгарлиги”³ ёхуд “компьютер талон-торожлари”⁴ тушунчалари доирасида қамраб олинади ҳамда ўрганилади. Жаҳонда ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан

³ Хилюта В.В. Уголовная ответственность за хищения с использованием компьютерной техники. // Журнал российская права. 2014. № 3. – С. 111-118.

⁴Хисамова З.И. Об особенностях квалификации преступлений, совершаемых в сфере использования информационно-коммуникационных технологий. // Общество и право. Уголовная политика: теория и практика. 2016. № 1 (55). – С. 117.



фойдаланиб талон-торож қилишнинг бир кўриниши сифатида компьютер фирибгарлиги кам учрайдиган жиноятлардан мулкий жиноятларнинг одатдаги турларига айланиб бормоқда.

Юқорида қайд этилганидек, хорижий мамлакатларда компьютер талон-торожларига нисбатан ҳам компьютер фирибгарлиги атамаси қўлланилади. “Компьютер фирибгарлиги” (computer fraud) атамаси эса, ўтган асрнинг 70-йилларида пайдо бўлга⁵н.

Компьютер фирибгарлиги ҳақида сўз борганда, унинг мазмунини турли ҳуқуқшунослар турлича талқин этганликларининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Чунончи, Т.Тропина “компьютер фирибгарлиги” инсонни эмас, балки компьютер тизимларини “алдаш”ни назарда тутаяди, деб таъкидлайди. Муаллифнинг қайд этишича, компьютер жиноятчилигига нисбатан қўлланганда “фирибгарлик” атамаси мазмуни анъанавий маънодаги ушбу тушунчадан фарқланади. Унингча моҳиятан тўлов воситалари билан, маълумотларни ноқонуний равишда қўлга киритиш ва шу кабилар билан боғлиқ бўлиб, компьютер тизимларини “алдаш” йўли билан амалга оширилади⁶. Бизнингча, компьютер фирибгарлигига бўлган бундай муносабат мунозарали, тадқиқотчининг компьютер фирибгарлигини “компьютер воситасини алдаш” орқали ифодаламоқчи бўлганлиги ёки компьютер тизимини жабрланувчи сифатида баҳолаши нотўғри. Чунончи, Беларусь Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 21 декабрдаги “Мулкни талон-торож қилиш ишлари бўйича жиноят қонунчилигини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида⁷ масалага тўғри ёндашилган. Унда “компьютер техникасидан фойдаланиб содир этилган талон-торож фақатгина компьютер манипуляцияси орқали амалга оширилиши мумкин бўлиб, бу жабрланувчи ёки мол-мулк ишониб топширилган шахсни ахборотни қайта ишлаш тизимидан фойдаланган ҳолда алдашда намоён бўлади”.

Олим В.К.Барчуковнинг фикрича, киберфирибгарлик компьютер фирибгарлиги бўлиб, у ички маълумотлардан фойдаланган ҳолда фирибгарлик ва ишончни суиистеъмол қилиш орқали бировнинг мулкига тажовуз қилишдир⁸.

Д.А.Зыкованинг фикрича эса, киберфирибгарлик жинояти компьютер технологиялари ёрдамида фирибгарлик, ишончни суиистеъмол қилиш орқали ўзга шахснинг пул маблағларини ўзлаштириш, унинг мулкига зарар келтириш ва ушбу мулкка эга бўлиш ҳисобланади⁹.

⁵Фролов М.Д. Уголовная ответственность за мошенничество в сфере компьютерной информации по законодательству стран Европы и СНГ // Ученые труды Российской академии адвокатуры и нотариата. №4 (39). 2015. – С. 152.

⁶ Тропина Т. Компьютерное мошенничество: вопросы квалификации и законодательной техники. // www.crime.vl.ru

⁷ <http://lawbelarus.com/repub/sub13/text5747.htm>

⁸ Барчуков В.К. Терминология мошенничества в сфере компьютерной информации. – М.: Пробелы в российском законодательстве. № 4. 2017 г. – С. 163-165.

⁹ Зыков Д.А. Виктимологические аспекты предупреждения компьютерного мошенничества. дис. ... канд. юрид. наук. Владимир, 2002. – 211 с.



М.А.Ефремова ҳам “киберфирибгарлик” тушунчасини “компьютер маълумоти орқали фирибгарлик қилиш” тушунчаси билан бир хил эканлигини ва уларнинг синоним ҳисобланишини таъкидлайди¹⁰.

Фикримизча, юқоридаги олимларнинг фикрларида жон бор, ҳақиқатан ҳам киберфирибгарлик ахборот технологиялари ёрдамида амалга оширилади ва ўзга шахснинг мулкига ушбу шахснинг ишончига кириш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан эга бўлишга қаратилган бўлади.

Бироқ, кўпгина хорижий давлатлар жиноят қонунларида “компьютер фирибгарлиги” учун жавобгарлик белгиланган аксарият нормаларда “ишончни суиистеъмол қилиш” ва “алдов” деган атамалардан фойдаланилмаганлигининг гувоҳи бўлдиқ, яъни фирибгарлик ва компьютер фирибгарлиги ўртасида узвий алоқа ўрнатилмасдан компьютер фирибгарлиги компьютер талон-торожи сифатида асосиз кенг талқин қилинган. Бу ҳолатни кўпгина Европа давлатларининг жиноят қонунлари (масалан, Австрия¹¹, Швеция¹², Дания¹³)да ҳам учратишимиз мумкин.

Илмий адабиётларда ўзгалар мулкини компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишни фирибгарлик таркибига киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида турли-туман нуқтаи назарлар илгари сурилган. Хусусан, В.В.Хилюта ўзгалар мулкини компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишнинг “алдаш” деган узвий белгиси мавжудлиги шубҳали эканлигини қайд этади: “Сейф қулфи сингари, компьютерни ҳам алдаб бўлмайди, чунки техник қурилмаларда руҳият мавжуд эмас”¹⁴. Фақат жисмоний шахсни алдаш мумкин ва у ўзининг чалғитилиши натижасида ўз мол-мулкини ихтиёрий равишда жиноятчига топширади.

Мазкур нуқтаи назар муҳолифлари эса, аксинча, алдаш мавжудлигини зеро, компьютер ахбороти қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ўзгартирилганда модификациялаштирилган тизимдан фойдаланаётган одамнинг тафаккурида воқелик нотўғри акс этишини ва буни алдаш, ҳақиқатни бузиб кўрсатиш сифатида тавсифлаш мумкинлигини қайд этадилар¹⁵.

Ўз навбатида, биз компьютер ахбороти соҳасидаги фирибгарликни ўзгалар мулкини талон-торож қилишнинг янги турига киритган П.Яни фикрига қўшилаемиз. Унинг фикрича, компьютер ахбороти соҳасидаги фирибгарликнинг моҳияти шу билан белгиланадики, “мулк ёки мулкка бўлган ҳуқуқни қўлга киритишнинг юридик аҳамияти ва оқибатлари муносабат иштирокчиларининг нақд ва нақд бўлмаган пул

¹⁰Ефремова М.А. Мошенничество с использованием электронной информации // Информационное право. 2013. № 4. – С. 19-21.

¹¹ Austrian Penal Code 2014. // www.unodc.org/cld/document/aut/1974/austrian_penal_code_2014.html

¹² Swedish Penal Code. // www.government.se/contentassets/5315d27076c942019828d6c36521696e/swedish-penal-code.pdf.

¹³Criminal Code of Denmark as of 2012. // https://www.unodc.org/cld/document/dnk/2011/criminal_code_of_denmark_as_of_2012_danish_version.html?

¹⁴ Хилюта В.В. Уголовная ответственность за хищения с использованием компьютерной техники. // Журнал российская права. 2014. № 3. – С. 111-118.

¹⁵ Воронцова С.В. К вопросу о квалификации преступлений в сфере электронных платежей // Банковское право. 2009. №1. – С. 35-37.



маблағлари, бошқа мулкый ҳуқуқлар кўринишидаги мол-мулкни қўлга киритишдан иборат бўлган турли операциялар амалга ошириладиган ахборот муҳитига кириши билан боғлиқдир”¹⁶.

Сўнгги йилларда ҳуқуқшунослар жиноят қонунини айнан “компьютер фирибгарлиги” тўғрисида модда билан тўлдириш тўғрисидаги таклифни илгари сурмоқдалар.

Бугунги кунда ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш доирасини, яъни қандай жиноятлар ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишни ташкил этиши масаласи ҳам мунозарали. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунида компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш, растрата қилиш, фирибгарлик ва ўғрилик қилиш мумкинлиги назарда тутилган ва жавобгарлик белгиланган.

А.В.Распопова эса, “ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш асосан ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата, товламачилик, алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан мулкка зарар етказиш, ноқонуний тадбиркорлик, тижорат, солиқ ёки банк сири ҳисобланадиган маълумотларни ноқонуний қўлга киритиш ва ошкор этиш, кредит картани қалбакилаштириш жиноятларида яққол намоён бўлади”¹⁷, дейди. Хуллас биз ушбу фикрга қўшила олмаймиз. Сабаби, тадқиқотчи томонидан қайд этилган алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан мулкка зарар етказиш, ноқонуний тадбиркорлик, тижорат, солиқ ёки банк сири ҳисобланадиган маълумотларни ноқонуний қўлга киритиш ва ошкор этиш, қалбаки кредит карточкасини тайёрлаш каби қилмишлар мазмун-моҳиятига кўра талон-торожни ташкил этмайди ва шунга кўра ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш деб баҳоланиши мумкин эмас.

¹⁶ Susan W. Brenner, *Cybercrime: Criminal Threats from Cyberspace*, ABC-CLIO, 2010, pp. 91; Weitzer, Ronald (2003). *Current Controversies in Criminology*. Upper Saddle River, New Jersey: Pearson Education Press. p. 150.

¹⁷Распопова А.В. Организационно–методическое обеспечение первоначального этапа расследования преступлений, совершаемых в сфере экономики с использованием средств компьютерной техники. Автореф. дисс. на соис. уч. степ. канд. юрид. наук. – М., 2007. – С. 3.